

Дониёлбий оталик (Дониёлбий ибн Худоёрбий)
(?-1785)
(1758-1785)

Мангитларнинг нуфузли бийларидан, оталик. Бухоро амири Мухаммад Рахимбийнинг амакиси. 1758-йил 24-мартда Мухаммад Рахим вафотидан сўнг унинг ўгиллари бўлмаганлиги учун хонлик тахтига вояга етмаган набираси - Фозилтўра ўтказилган, Миёнкол ҳокими бўлган Дониёлбий унга оталик қилиб тайинланган (1758-1785). Бундан норози бўлган вилоят ҳокимлари, кенас, юз, баҳрин, бурхут ва сарой қабилалари амирлари марказлашган ҳокимиятга қарши исён қўтариб, 10 минг йигитни қуроллантириб, Бухоро томонга юришган. Уларга қарши чиққан Дониёлбий исёнкор вилоят ҳокимлари билан бир битимга қелишган. Унга қўра, Фозилтўрани тахтдан тушириб, ўрнига Аштархоний шахзодалардан бўлган Абулғози хонлик тахтига ўтказилган (1758-1785). Дониёлбий ҳам оталик мансабини, ҳам амалдаги ҳукмдорликни ўз қўлида сақлаб қолган. Дониёлбий оталик даврида ҳам ўзаро урушлар давом этиб, Қармана, Ўратепа, Нурота, Шеробод, Бойсун ва бошқа жойларда маҳаллий қўчлар бош қўтариб, пойтахт измидан чиқишга ҳаракат қилганлар. 1781-йил Россия ҳукумати Бухоро билан савдо битимини тузишга таклиф этганида Дониёлбий бу битимни 92 ўзбек қабиласи бошлиқлари розилигисиз имзолай олмаслигини билдирган. Бу ҳолат Дониёлбий даврида Бухоро амирлиги сиёсий марказлашув даражаси Мухаммад Рахим давридан анча паст бўлганини билдиради. Бу табиий суратда Бухоро шахри аҳолисининг норозилигига сабаб бўлган. Бундан ташқари Дониёлбий қўшин таъминоти учун лўплаб қўшимча солиқлар жорий этиб, бу билан пойтахтдаги ҳунармандлар ва савдо аҳолини ўзига қарши қўйиб қўйган эди. 1784-йил Бухорода қўзғолон қўтарилиб, унда мингга яқин киши ўлдирилган. Дониёлбий ҳокимиятни шахарликлар обрў-этибори баланд бўлган ўгли шохмуродга топширишга мажбур бўлди. Бухоро хонлигини бирлаштириш марказлаштириш учун қурашни Шохмурод давом эттирган.

Мангитлардан бўлган Бухоролик тарихчи Мухаммад Ёқубнинг ёзишича: “Дониёлбий саҳий ва мурувватли ҳоким сифатида машҳур бўлган, лекин давлат (молия) ишлари билан қизиқмаган. Бирон ишни бошлашдан олдин ишнинг қўзини биладиган кишилар билан маслаҳатлашган”. Дониёлбий хонлик унвонини қабул қилмаган, у оталик унвони қаноатланган.

Дониёлбий даврида меъморай ёдгориликлардан “Халифа Худойдод” мажмуаси (масжид, мадраса, сардоба ва мазор, 1777-йил) қурилиши бошланган.